

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИЧКИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардорлигини янада ошириш, мақбул ва қўлай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ – 6155-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисmini қайтариш тартиби жорий қилинаётганили маълумот учун қабул қилинсин.

2. Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги уринларда — Қўмита):

а) “Uzbekistan Airports” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда ички ва зиёрат туризмининг ривожлантириш доирасида **Фаргона — Урганч — Фаргона, Термиз — Урганч — Термиз** ҳамда **Қарши — Урганч — Қарши авиа-рейсларини** йўлга қўйиш ва **Андижон — Хива — Андижон темир йўл қатнови** сонини ошириш;

2021 йил 1 апрелга қадар **Термиз — Қарши — Хива, Хива — Урганч — Нукус ва Термиз — Қарши — Самарқанд йўналишлари** бўйича доимий темир йўл қатновини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

б) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисmini қайтариш тартибини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган авиарейсларни ва темир йўл қатновларини, шунингдек, Тошкент шаҳридан Бухоро, Нукус, Термиз ва Урганч шаҳарлари ҳамда Фаргона водийсига қатнов йўналишлари бўйича авиарейсларни субсидиялаш назарда тутилсин;

в) туроператорлар билан биргаликда субсидиялаш механизмни қўллаган ҳолда бошқа авиа ва темир йўл қатновларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб босин.

3. Қўмита, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қуйидаги имтиёз ва преференциялар мuddатларини **2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун **фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш**;

б) камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг **авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдоридан қисман субсидиялаш**;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ўзбек қоракўли брендини яратиш ва дунё миқёсида тарғиб қилиш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, уларни сўйиш, тери ва жунини қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, тармоққа ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ва инновацион технологияларни жорий этиш, сув билан таъминланмаган яйловларда янги сув иншоотларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш борасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, мавжуд яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, уруғчилик майдонларини кенгайтириш, наслилик ишларини янада такомиллаштириш, соҳада экспортбop қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш аҳоли бугунги кун талабига жавоб бермайд.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қоракўлчилик тармоғини давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш, яйловлардан самарали фойдаланиш ва яйловлардан фойдаланишда солиқ имтиёзларини қўллаш, уруғчилик ишини йўлга қуйиш, наслилик ишларини такомиллаштиришда субсидия бериш тартибини қўллаш ҳамда соҳанинг илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қоракўлчилик тармоғини Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021 йил 1 мартга қадар қоракўлчилик кластерлари томонидан қўй ва эчкиларни бўрдоқига боқиш комплексларини ташкил этиш мақсадида уларга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш шарти билан озуқалар етиштириш учун 1-иловага мувофиқ ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

2. Молия вазирлиги қоракўлчилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида **2021 йил 15 февралга қадар** Молия вазирлигининг вақтинча бўш турган маблағлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари,

суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар) ҳисобидан 100 миллиард сўм маблағларни “Туронбанк” АТБга Марказий банк асосий ставкасида ажратсин.

“Турон банк” АТБ мазкур бандга асосан ажратиладиган маблағларни Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) аъзоларига 3 йил муддатгача, шу жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида 2 фоизлик банк маржасини қўйиш орқали ҳисобланадиган ставка бўйича кредит сифатида қуйидаги мақсадларга тақдим этилишини таъминласин:

насличилик қоракўлчилик хўжаликларидан қўйлар харид қилиш;

қоракўлчилик соҳасида экспортбop қоракўл ва қоракўлча терини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш;

қоракўлчилик субъектлари томонидан озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этилишини ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари, ресурс тежовчи ускуналар ва замонавий технологиялар харид қилинишини молиялаштириш;

Давоми 2-бетда



АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

БАРЧАДИН ЯХШИРОҚ
ҲАЁТГУЛИ

Навоийни зиёрат қилмоқ ҳамisha кўнгилга ёрулик, хотиржамлик бахш этади. Қўлида гул, қалбида юксак эҳтиром билан мутафаккир ҳайкали томон ошиққан инсонларни кузатар экансиз, буюк шоирнинг қўтлуғ байрами барчамизнинг катта шодиёнамик эканини янада чуқурроқ ҳис қиласиз.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган

тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, иходий ташкилотлар ва

кенг жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар иштирок этди.

Давоми 6-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ИФТИХОР АЗОБЛАРИ



Абдусайд КЎЧИМОВ,
ёзувчи

1

Ифтихорнинг нималиги барчага аён: одам боласи бирор муваффақиятга эришганда суюнади, гурурланади, озроққина мақтангиси ҳам келади, яъни

фахрланади, ифтихор қилади. Муҳташам ғалаба лаҳзаларидаги сурур, ҳайрат ва музаффар туйғулар силсиласи — кўнгил уфқида камалакдек товланган латофатли ранглар ифтихор дейилмиш биргина сўзда жилваланади.

Бугун, худого шукур, зарнигор тонглар бирин-кетин жамол кўрсатаётир: қадим Туронзаминда ифтихор қилсак қилгулик муаззам боғлар, кўркам ва нурафшон манзиллар ой сайин, кун сайин кўпайиб, чирой очмоқда.

Шундоғ экан, унда нега ифтихор севинчлари бир четда қолиб, унинг азобларини сарплавҳа қилиб турибмиз мақоламизга? Негаки, ғалаба ҳеч замонда ойдан оёғини узатиб тушган эмас — ифтихор азоблари ҳамisha унинг фараҳли онларидан мўл, залворли ва машаққатли бўлган.

Афсуски, биз кечаги мушкулотларни кўпинча тез эсимиздан чиқариб қўямиз, бугунги зироатларнинг қадрига етмаймиз, ҳатто ношуқурлик қиламиз. Қаноат шабини ўчирамиз.

Шу ўринда бундан 4-5 йил аввал мамлакатимизда мактаб ва мактабгача тарбия ҳолати қандай бўлганини бир эслаб кўрайлик: қўллаб боғчалар сотиб юборилган, бузилган ёхуд омборхоналарга

айлантирилган. Омон қолганлари ҳам ғариб, кўримсиз, бечорахол. 30 фоизга ҳам етмайди боғчаларга борувчи кичкинтойлар сони. Энди-чи? Сўнгги 4 йилда мамлакатимизда мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 баробар ортиб, айнан ўтган йили 60 фоизга етди, боғчалар сони 3 баробар кўпайиб, 14 мингдан ошди. Энди мазкур рақамни жайдарчасига мулоҳаза қиламиз: агар ўтган 25 йилнинг ҳар 4 йилида боғчалар сони 3 баробардан ошаверганида эди, боғча ёшидаги эркатойларимизнинг ҳаммаси аллақачонлар ушбу таълим йўналиши билан тўла-тўқис қамраб олинарди. Ёки мактаб. Боғчадан баттар эди бу азиз даргоҳнинг аҳоли. Ўқиш-ўқитиш ўлда-жўлда, муаллимлар бозорларга чиқиб кетган — эласанг, эсинг кетади. Энди-чи? Биргина 2021 йилнинг ўзидан 30 та янги мактаб қурилади, 320 та мактаб таъмирланиб, моддий-техник базаси яхшиланади. Яна ўзимизча таҳлил қиламиз: 25 йил давомида йилга 30 та эмас, ана, боринки, 20 тадан янги мактаб қурилганда, 320 та эмас, 220 тадан мактаб таъмирланганда маорифимизнинг ҳозирги шаклу шамойили қандай бўлар эди?

Давоми 3-бетда

ТИББИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ХОРИЖГА БОРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ
ЭНДИ МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ
ЮРТИМИЗДА ЎТКАЗИЛЯПТИ

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Яшнобод туманида замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган Болалар миллий тиббиёт марказининг фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда кўплаб бемор болаларда жаҳон стандартлари даражасида мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилиб, улар соғлом ҳаётга қайтарилди.



Ҳасан БУЛДОШЕВ олган сурат.

Давоми 4-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА



Мухтор ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА
янгича амалиётлар
жорий этилади

Президентимизнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги

фармонида мамлакатимизда аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимизда соғлом туришу тарзини қарор топтириш, иқтисодий ўсишининг юқори нуқталарига эришиш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧКИ ВА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

в) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар бўйича: юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш**; улар томонидан тўланадиган **ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдорид**а белгилаш.

4. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида **туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 2-иловага мувофиқ;

Хорижий мамлакатларда **Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режаси** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: **Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити (Йид ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Йид ал-Адҳа) диний байрамларини** нишонлаш даврида қўшимча ва қўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланади;

ота-оналар, қариндошлар, қариялар ва устозлар билан биргаликда саёхат қилишни назарда tutувчи беш иш кунидан кам бўлмаган **“оилавий саёхат таътили”** тизими жорий қилинади. Бунда, “оилавий саёхат таътили” йиллик асосий таътил ҳисобидан тақдим этилади ва жамоавий шартномаларга мувофиқ иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслардан жойлаштириш воситасида, улар яшаган ҳар бир кун учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда туристик (меҳмонхона) йўғим ундирилади. Бунда, туристик (меҳмонхона) йўғим ички туризмни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш, туризм мавсуми паст бўлган даврда жойлаштириш воситаларининг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

хорижий авиакомпанияларнинг Индонезия, Бангладеш ва Малайзия мамлакатларидан хорижий туристларнинг Ўзбекистон Республикасига саёхатларини ташкил этишга қаратилган ҳамда “Умра+” дастури доирасидаги Ўзбекистон Республикасига авиопарвозлари, кўниш ва учиш хавфсизлиги қоидаларидан ташқари, тўсқинликсиз амалга оширилади;

республиканинг туризм намоийши объектиларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларни бой табиий, маданий ва тарихий мерос объектилари билан таништириш ҳамда ички туризмни оммалаштиришга қаратилган (тижорат мақсадларини кўзламаган) ахборот маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборотга тенглаштирилади.

6. 2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудига кирган кундан эътиборан **10 кунлик муддатга** ўз ёки учинчи мамлакатга учиш авиачиптасини тақдим қилган **Баҳрайн Қироллиги, Қатар Давлати, Қувайт**

Давлати, Уммон Султонлиги ва Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг ва Макао махсус маъмурий худудлари фуқаролари учун визасиз режим белгилансин.

7. Транспорт-логистика масалаларини тезкор кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссияга қуйидаги ваколатлар берилсин: хорижий ва маҳаллий авиакомпанияларнинг туризм ва инвестиция йўналишларида авиопарвозларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низоларни музокаралар ўтказиш йўли билан тезкорлик билан ҳал этиш;

авиопарвозларга рухсат олиш тизимини соддалаштириш, лоукостерларни жалб этиш, парвозлар географиясини “боғлаш” принципи орқали кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи муаммолни масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш;

“Очиқ осмон” режими жорий этилган барча аэропортларга янги авиа йўналишлар очиш бўйича хорижий компанияларни жалб этиш, уларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш;

аэропортларда қуруқликда хизмат кўрсатиш (ground handling) соҳасини такомиллаштириш, белгиланган нархларни қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш орқали инвестицияларни жалб қилиш; худудлараро йўналишни автотранспорт қатновларини кенгайтириш, янги қатновларни ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилиш чораларини кўриш;

темир йўл транспорти, шу жумладан, темир йўл вагонлари ва контейнерлар орқали таший тизимига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш тартибини такомиллаштириш, бу йўналишдаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш.

8. Белгилансинки: ҳар йили 1 июлга қадар Қўмита томонидан шакллантириладиган рўйхатга асосан туризм намоийши объектиларига олиб борадиган йўллар қуриш ва таъмирлаш учун мақсадли давлат дастурларига киритилади;

2021 йил 31 декабрга қадар туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига нисбатан ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилади.

9. Қўмита, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Автомобиль йўллари қўмитаси **икки ой муддатда** туризм объектиларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, коммунал ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш ишларини олиб бориш, маданий-кўнғилочар инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектиларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун **1 триллион** сўм миқдоридagi маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан тенг улушларда ажратишни назарда tutувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Қашқадарё худудида туризмни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан, истисно тариқасида, **200 миллиард сўм ажратиш** ва ушбу маблағлар йўналтириладиган мақсадлар назарда тутилсин.

10. Қўмита раисининг амалдаги ўринбосарлари сони доирасида **зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича раис ўринбосари** лавозими жорий этилсин.

Қўмита ташкилий тузилмасида 2021 йилда режали қисқартирилиши кутилаётган штат бирликлари ҳисобидан 9 та штат бирлигидан иборат **Зиёрат туризмни ривожлантириш департаменти** ташкил этилсин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 мартдан бошлаб Ташқи ишлар вазирлигининг масъул шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларга Қўмита тақлифига мувофиқ мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

бир ой муддатда ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб қилишга оид 2021 йил бўйича асосий прогноз кўрсаткичларини ҳамда ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тасдиқласин;

ҳар ой якуни бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Транспорт вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** мазкур Фармонга 1 ва 3-иловалардаги объектларга олиб борувчи йўналишли автотранспорт қатнови тизими йўлга қўйилишини, шунингдек, худуддаги аҳолининг бошқа худдага саёхат қилиши учун транспорт қатновлари ташкил қилинишини таъминласин.

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда зиёрат туризми йўналишида тўғри тарғиботни йўлга қўйиш ва зиёрат объектилари ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этиш мақсадида, **Зиёрат туризмининг ривожлантириши мувофиқлаштириш кенгаши** ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

14. Қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб **“Ипақ йўли” туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодий университети, Бухоро ва Термиз давлат университети**ларида **“зиёрат туризми”, “транспорт логистикаси”** ва **“ижодий саноат” (creative industry) магистратура мутахассисликларида** кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги тақлифи чораларини таъминласин.

15. Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2021 йил 1 августга қадар қадимий ипақ қоғози хомашё

захирасини шакллантириш манбаи сифатида Имом Бухорий мажмуаси атрофидаги 64 гектар ер майдонида тут плантацияси ва Самарқанд ипақ қоғозини ишлаб чиқариш бўйича “Ипақчилик шаҳарчаси” туристик мажмуасини ташкил этишнинг таъминласин.

16. Қўмита Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадиқот маркази билан биргаликда **уч ой муддатда** буюк аллома ва улаомларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг қўламда оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида, индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту ва бошқа хорижий тилларда **“Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканални**, хорижий мамлакатларда унинг муҳбирлари фаолият олиб боришини назарда тутган ҳолда ташкил этиш ва уни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиби, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги ва Қўмита билан биргаликда **икки ой муддатда Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуасини** зиёрат марказига айлантириш ҳамда атрофидаги 8 нафар буюк улаомларнинг қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари концепциясини, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиби, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Қўмита, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги, Бадий академия ва Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намоёндалари мероси ва моддий маданий мерос объектиларини акс эттирувчи тематик хиббонни** яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

19. Бухоро вилояти ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда Бухоро шаҳрида ислом дини тарихи ва мусулмон оламида машҳур бўлган шахслар тўғрисида маълумот берувчи инновацион музейни** қуриш ва уни ривожлантириш концепцияси бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Қуйидагиларга:

Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А.Абдухакимов зиммасига — ички туризмни оммалаштириш ва зиёрат туризмни ривожлантириш, Дастур доирасида вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш;

ташқи ишлар вазири А.А.Камилов зиммасига — хорижий мамлакатларда республиканинг туризм салоҳиятини тизимли тарғиб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш чораларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари зиммасига — ушбу Фармонга 3-иловада белгиланган хорижий мамлакатларда зиёрат туризми салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, улардан республикага авиарейсларни ташкил қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси А.Т.Ахмедов зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийши объектиларидаги масъул раҳбар ва ходимларнинг хизмат ва сервис соҳасидаги билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш;

транспорт вазири вазифасини бажарувчи И.Р.Махкамов зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийши объектиларига янги транспорт алоқаларини ўрнатиш, маҳаллий ва халқаро авиарейслар географиясини кенгайтириш ва ўз вақтида ташкил қилиш ҳамда “Очиқ осмон” режими жорий этилган барча аэропортларга янги авиа йўналишлар очиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — ушбу Фармонга 1 ва 3-иловаларда белгиланган туризм намоийши объектиларида зарур инфратузилмани ўз вақтида барпо этиш ва ички туризм оқимини ташкил қилишга оид 2021 йил бўйича асосий прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин**.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этсин.

22. Молия вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-бандида белгиланган солиқ имтиёзлари муддатларини узайтириш назарда tutувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий худуди фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида”ги ПФ—5819-сон Фармони 2021 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддиннов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ—6059-сон фармони 1-бандининг еттинчи хатбошисида белгиланган тартиб асосида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация ажратилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: **2024 йил 1 январга қадар** Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) доимий эғлагигадаги яйловлар ҳамда Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси томонидан Қўмитага ижарага берилган яйловлар учун белгиланган **ер солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилади**;

наслдор қўй ва эчкининг, шу жумладан, қорақўл зотли қўйларнинг хорижий давлатлардан импорт қилинган ҳар бир эмбрионига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига маблағлари ҳисобидан **400 минг сўм миқдорида субсидия** тақдим этилади;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Уюшма аъзолари ўзлари томонидан импорт қилинган қўй бош сонининг **50 фоизидан ошмаган қисмини тирик ва хом гўшт қўрнишида** (ТИФ ТН бўйича 0104 ва 0204 қодлари) **экспорт қилишга рухсат этилади**, бунда экспорт контрактлари мониторинги Қўмита ва Уюшма томонидан юритилади.

4. Қўмита Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда **2021 йил 20 мартга қадар** Уюшмага аъзо бўлган ҳўжаликлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали қўй, унинг гўшти ва ички органлари, ошланган ёки қайта ишланган қорақўл терисининг олиб чиқилишини мониторинг қилиш ва тегишли давлат органлари билан маълумот алмашиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзстандарт” агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда экспортга йўналтирилган тирик қўй ва улардан олинган гўшт маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда халқаро стандартлар ва талаблар асосида тегишли ҳужжатларни сифатли тайёрлаш, импорт қилувчи мамлакатлар талабларини экспорт қилувчи корхоналарга етказишни таъминласин ҳамда экспорт қилишда уларга ҳар томонлама кўмакласин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Уюшманинг:

илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустақхам интеграциясини таъминлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадиқот институти тузилмасида **Марказлашган илмий-наслчилик тажриба лабораторияси** (кейинги ўринларда — наслчилик лабораторияси) ни ташкил этиш;

наслчилик лабораториясини Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадиқот институтининг бўш турган Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 47-уй манзилидаги биносига ижара тўловининг “ноль” ставкаси асосида жойлаштириш тўғрисидаги тақлифларни маъқулласин.

Наслчилик лабораториясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

соҳада маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида табиий серпуштликка, юқори ҳаётчанлик ва мослашиш хусусиятига эга бўлган қўш маҳсулдор янги қўй зотларини яратишнинг лаборатор тажрибаларини олиб бориш;

наслдор қорақўл қўйларининг сифат кўрсаткичлари (қўй вазни, саноатбоп жун, қорақўл териси сатҳи ва гул типини) яхшилаш бўйича тажрибалар утказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

зотли қўйларнинг ҳар бир эмбрионига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига маблағлари ҳисобидан субсидия тақдим этиш тартибини;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисидаги тақлифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Қўмита раиси Б.Қ. Шарипов белгилансин.

Қарорнинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ



ИФТИХОР АЗОБЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Мавриди келганда “эрилмаган яра”дай кун-ма-кун газак олиб, ҳадсиз азобга айланиб кетган яна бир муаммо — ишсизлик оғриқлари қандай даволанаётганига тўхталмаслик мумкин эмас. Қаранг, 2020 йил 500 мингта янги иш ўрни яратилбди. Бу 500 минг фуқаро тиричилик манбаига эга бўлганини аңглатади. Утган 25 йилнинг ҳар йилида ҳеч бўлмаса 200-300 мингтадан иш ўрни барпо қилинганда, беиш одам қолармиди бугун юртимизда? Ишсиз одам бўлмаганидан кейин иқтисодийетимиз ҳам бошқача ривожланмасмиди. Масалан, 25 йилда, майли, 5-6 эмас 2 миллион ишли бўлган фуқаро кунига 1 доллардан фойда келтирганда-чи?

Мен бу қиёбашларни кимнинг қўлига тош, кимгадир гул тўқатиш учун келтираётганим йўқ. Тугмадек ифтихор замирида тоғдек азоблар борлигини эслатдим, холос.

2

Шу нуқтада лирик хиссиётларни тўхтатиб, жиддий гапларга ўтишдан олдин битта ҳаётий ҳикояни эътиборингизга ҳавола қиламан.

Алишер Нарзулло деган шоир бор. Тожикистонлик ўзбеклардан. Душанбега яқин Чинор деган қишлоқда туғлиб, катта бўлган. 30 йилдан бери Тошкентда яшайди. Бир неча шеърли китоблар муаллифи. Ҳозир ЎзАда — бирга ишлаймиз. “У кунларни эсласам қўрқинчи бир туш кўрагандек бўламан, — дейди Алишер. — Тўғилган маконга бориб-келиш учун 2-3 ойлаб сарсон бўлар эдик. Паспорт стопида 80-90 кунлаб, элчихонада унданам кўп руҳсат кутардик. Ижозат берилгунча қадар боришинг зарур бўлган маъракаю маврид аллақачон ўтиб кетган бўларди.

Чегарадан ўтиш-қайтиш машаққатларини айтмай қўяқолай. Бу ёқдагилар: Қаерга? Нима учун? У ёқдагилар: Кужо? Барои чи?

Бир гал Душанбеда қайтишда йўл-йўлаккай ўқиб кетарман, деб “Адабиёт ва санъат” газетини олдим. Газетанинг бир саҳифаси азалдан арабий ёзувда бўлган. Мен шунги ҳисобга олмай чакки қилган эканман. Чегарачилар газетани қўрибқотиреовни бошлаб юборди: Нега олиб ўтпасан? Ким топширқч берган? Қайси диний оқимга мансубсан?

Охири паспортдан нуска ва газетани олиб қолишди. Чегарадан Деновага, ундан Тошкентга келдим. Кечқурун одапдаидек зилик кўнгируги жирингалади: “Паспортний режим, ҳужжатларни бир кўрайлик...”

Мен бу хунук ҳолат қиёматгача давом этса керак, деб қийналардим. Рухсатнома, виза, чегара муаммолари, савол-жавоблар, йил-ўн икки ой давом этадиган “паспортний режим” — йўлларимизда хитой девори бўлиб турарди-да!

Шукрки, бугун тош деворлар қулади. Ҳаммаси ҳудди бир босинқирашдек ўтди-кетди. Энди чегарада тураганлар сиздан олдин салом беради, йўл кўрсатади, оқ йўл, деб кузатиб қўяди. Тожик биродарларимиз чегарадан ўтаётган ҳар бир ўзбекистонликка азиз меҳмонни қутиб олгандек, “хуш омадбд”, дея жилмайиб туради...”

Тушунаман. Чегара, давлатлар ўртасидаги алоқалар мураккаб, яъники сиёсат. Сиёсат эса айсбергга ўхшайди — кўринганидан кўринмаган томони бисёр. Сиёсатчи-ғаввослар билади уёғини. Эҳтимол, бизнинг ақлимиз етмайдиган жиҳатлар бўлгандир. Аммо Алишер Нарзуллога ўхшаш минглаб ватандошларимизнинг армону шодликларини эшитганда, бўларкан-ку, деб юборасанда беихтиёр. Мана, чегаралар, йўллар очилди — осмон узилиб, ерга тушмади-ку! Ақсинча, қардошлар ўртасидаги борди-келдиларнинг равонлашуви нафақат Ўзбекистон,

балки минтақадаги барча давлатларнинг иқтисодий юксалишига ҳам омил бўлмоқда. Бугун сиёсатнинг кўчасига яқинлашмаган одам ҳам қўриб-билиб турибди: Тошкентдан эсаётган ҳаётбахш шабадалар қўшни республикалар, денгизу уммонлар оша БМТгача етиб борди. Қозоқларнинг элбошиси Нурсултон Назарбоевнинг Шавкат Мирзиёевга қарата, биз сиз бошлаган ўзгаришларни 25 йил кўтдик, деганиям шунчаки эътироф эмас! Илло, Ўзбекистон бошлаган очиклик сиёсати Марказий Осиёдаги давлатларнинг ҳаммасига баҳорий ҳаволар олиб кирди. Мамлакатлар ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланди. Кеча бир-бирига худо қарзи саломни ҳам қизганган халқлар қалбида бугун яна ота мерос шарқона меҳр, оға-инилик ришталари мустаҳкамланиб, беш мустақил давлат битта аҳил оила сингари қадрдонлашиб бораётир. Рости, агар бундай тарихий инқилоб Европа ёки Ер шарининг бошқа бир қитъасида содир бўлганида эди, эзгулик ва тинчлик ҳаракатининг ташаббускори бўлган давлатнинг етакчиси аллақачонлар Нобель мукофоти билан сийланган бўлар эди.

Ўзбекистон эса минтақа интеграцияси йўлидаги саъй-ҳаракатларини бир дақиқа ҳам сусайтиргани йўқ. Қардошлик меҳру муҳаббатини бугун кечатигдан, эртага бугунгидан мустаҳкамлаш чоралари изланмоқда. Яна бир мисол: шу пайтгача “интеграция-интеграция”, деб тинмай гапирилар, бироқ узоқ йиллик “бечоналик”дан кейин бирикиш, яқинлашиш учун минтақанинг ижтимоий ва сиёсий муаммоларини ўрганувчи биронта институт йўқ эди. Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида айнан шу муаммо — Марказий Осиё халқлари институтини очиш зарурлигига эътибор қаратди ва мазкур даъвати билан минтақа интеграцияси масаласи Ўзбекистон учун доимий эканини яна бир қарра тасдиқлади.

Умуман, эътироф этиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи сиёсати, дипломатлар тили билан ифоддалаганда, кўп векторли форматга ўтаётир. Бу мамлакатни минтақада таъсир кучи энг юқори турувчи икки регионалистик иқтисодий-сиёсий бирлашмалар — марказида Россия турувчи Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Хитой бошчилигидаги “Бир макон, бир йўл” лойиҳаларига “қарам” бўлиб қолмишдан ҳимоялайди. Масалан, бугун глобал дунёда жaxon бозорига чиқиш, у ердан ўрин эгаллаш қанчалар мураккаб эканини сиёсатчи ёки иқтисодчи бўлмаган одам ҳам яхши аңглайди. Шундай бир пайтда Афғонистонда ўрнатиладиган тинчлик минтақа давлатларига катта имкониятлар ваъда қилиши мумкин. Хусусан, бу Марказий Осиё давлатлари учун шу пайтгача ёпиқ ва хатарли бўлиб келган Жануб сари йўлни очади. Биламизки, жанубимизда биз ҳали тўлиқ ўзлаштирмаган, аҳолиси қарийб 1,5 миллиард нафар (Покистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон) бўлган бозор мавжуд. Ўзбекистон Президентининг ҳаракатлари шунинг аңглатадики, у мамлакатни неокOLONиал (янги мустамалакчилик) ботқоғига ботирмоқчи эмас, балки очик дунёда барча билан тенгма-тенг муносабатлар олиб бориш, ҳеч кимнинг “қошқовоғи”га қарамайдиган беғубор ва тиниқ янги давлатни шакллантириш, назаримда.

Шунинг учун ҳам 2020 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев афғонистонлик ҳамкасби Ашраф Ғани билан 3 марта телефон орқали суҳбатлашди. Ўзбекистонга Афғонистондан 5 марта, Афғонистонга Ўзбекистондан 4 марта махсус делегация бориб келди. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари яна бир марта дунё жамоатчилиги эътиборини Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатиш муаммосига қаратди.

Зеро, Афғонистоннинг тинчлиги Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўл билан чиқиш ҳамда Жанубий Осиёни Европа ва Хитой билан боғлаш орқали 1,5 эмас, 3 миллиард кишилик улкан бозорга кириш имконини тақдим қилади. Бундай улкан режаларни амалга ошириш билан боғлиқ азоблар эса алоҳида мавзу.



3

Мен қарийб 50 йилдан буён матбуот ичида юрган одамман. Лекин шу йиллар ичида совет замонини қўяверинг, мустақиллик йилларидаям сиёсий режим бу даражада оғир юкни елкасига олган эмас. Жуда яхши эслайман, кечагина нафақат халқнинг дарду фиғони, ҳатто талаға ёқмайдиган “чехра”нинг эффида пайдо бўлиши қандай тўполонларга, баъзи ҳолларда охири беҳайр ҳодисаларга айланиб кетарди. Бугунчи, бугун шундай замон бўлдики, тармоқлар очиб қўйилди, ким нима деса деяётир. Тўғри, бунинг ичида тухмад бор, хусумат, кўролмаслик деган иллатлар ҳам бор.

Неча йиллар давомида жинойи жавобгарликдан қочиб, аллақайси ковакларда пусиб-яшириниб ётган аламзадаларнинг “ватанпарвар-герой”лик даъволари бор. Туйнугидан ел, эшигидан эл қирмайдиган, умрида бир тул райхон қўқартирмаган ношудларнинг энса қотиргувчи ҳавойи талаблари бор. Ўз боласига ўз сўзи ўтмайдиган, ўз боласини ўз сўзи билан ўзига ишонтиролмайдиган, ўз туйғуларини ўз боласига юқтиролмай эзлиб, дардини бировга айтолмай, ичидан зил кетиб юрганлар бор. Не не орзу-хаваслар билан катта тўй қилиб, фарзандининг битта бошини иккита қилган, аммо турт-беш ой ўтиб-ўтмай, ўз оиласини парчаланишдан асраб қолтишга кучи етмай, бошини чангаллаб, маҳалла-қўйга аралашшига бети чидамай юрганлар бор. Умрида битта каптархона қуришни эпғолмаганлар бор.

Интернетда шундай суратга кўзим тушди: қора қарга учиб кетаётган бургутнинг елкасига минволиб, муттасил чўқимоқда. Қарганинг ўткир тумшуги бургутга озор етказаяётган эса-да, тоқат билан парвозда давом этаётир. Осмон шунқорни билди: у қанча тез юксакка кўтарилса, қарга шунча тез холсилазиди, ўпкасига ҳаво етмай ё тушиб қолади, ёки...

На иложки, бугун бургут парвозига тиштрини билан қаршилик қилмоқчи бўлаётган қаргалар ҳам бор. Тўғрими? Шундай бўлгач, улардан сўрагим келади, сиз миллион-миллион халқни ўзига, сўзига, эртасининг нону тузига ишонтириш қанчалар азоблигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Фақат ишонтириш билан олам гулистон бўлиб қолса қанийди. Ишонганлар рўзғори бут, дастурхони тўкин, кўчаси обод, овулқурғони осойишта бўлишини истайди. Дунёнинг бошқа музофотларидаги қамлардан кам бўлмаслигини орзу қилади. Тирик одамнинг ҳар бири бир сайёра, деган экан Алишер Навоий ҳазратлари. Миллион-миллион сайёраларнинг юрак зарбларига қулоқ солиш, дардига малҳам бўлиш учун қанча чидам, ақл, заковат ва яна нодир салоҳият керак.

Ёки сиз давлат раҳбари бу ишга журъат қилганда шуларни билмас эди, деб ўйлайсизми? Ундай бўлса адашибсиз — биларди, билан-даям яхши биларди. У киши бу мамлакатни, жамиятни янгилашнинг бундан бошқа йўли йўқ эканини кўрди ва ўзида метин сиёсий ирода топди....

Назаримда, ҳозирги шаффоф жамият, очик матбуот масалаларига шундоқ қарасак янглишмаймиз.

25 йил ҳудди сув йўлини тўсиб тургандай жамиятнинг дамбаланиши, йўли тўсилган сув ўзида турли чикинди-қўқимларни йиққандай

биздаям ўтган давр мобайнида анча гап-сўз йиғилиб қолди. Нима қилиш керак эди, дамбага қўшимча янги симон қуйиш керакмиди? Албатта, ҳали айтганимдай, бу босимни кўтариш учун янги ҳукуматга катта ирода керак бўлар эди. Бу ирода Президентда бор эканини бутун дунё кўриб турибди. Қўриб турибди елкасига тушган буюк тарихий юмушни ноёб истеъдод

билан адо этаётганини ҳам. Қўриб турибди ва-зифага киришганидан буён бир нафас тинч турмай, одамларнинг яхши яшаши учун куну тун изланаётганини. 2020 йилда кўринмас душман — “тождор ёв” кутку солиб турганда Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш аввалги йиллардагидан кам эмаслиги ҳам ўз-ўзидан содир бўлиб қолган эмас.

Мамлакат тақдирини, миллат келажагини ҳал бўлаётган ҳаёт-мамонт кунларда томошабинлик, ёлғончилик, тухмад ва кўролмовчилик, ўз ҳаловати атрофидиган майда манфаатларга ўрналиб қолиш Ватанга хиёнатдан оғир бўлса оғирки, енгил эмас. Биз ҳозир ҳудди тирнаб-тирноқлаб баланд чўққига қириб бораётган пай-болдилрари бақувват альпинист ҳолатидаммиз.

4

Тасаввур қилинг: тилинган бармоқлар симиллаб оғрийди, шилинган тиззалар лўқиллаб қақшайди, пешонадан оққан тер қўзларни ачитади. Чакир тикандай чағир тошлар қиймларини йиртиб баданга игнадай санчилади. Оёқ теккан тош кўчиб, бир қўлда муаллақ осилиб қолади, альпинист эса бир дақиқаям умидсизланмайди, бор кучини биллагига жамлаб, Яратгандан мадад сўраб, тоғ йўлбарси сингари ҳарсанларга ёпишиб ўрлайверади — чўққини забт этмагунча жамики қийинчиликларга чидайди — тош келса кемиради, сув келса симиради. Муродга етган муборак лаҳзаларда эса қувончлари осмонларга сийғамлар кетади — еру ҳажонини ярқиратиб юборади қалбида чакнаган ифтихор қуёши!

Альпинистнинг ҳаёти шундай. Бу — унинг қисмати, ўзи танлаган ягона, муқаддас йўли — ҳудди бизники каби.

Роса 30 йил аввал, бир ярим асрлик қулликдан қутулган кунларда бошланган эди бу қутлуг сафар. Шодлиқларимиз беадоқ эди. Бошмимиз фалақда — энди отимиз туғул, эшагимизнинг эгар-жабдугиғача зебу зар бўлади, деган ширин хаёллар завқида қарахт эдик. Айни чоғда, осмонлар қояга қиқиш учун, эҳ-хе, не-не хатарли даралару зовлардан ошиб ўтиш кераклигиниям тўғри тушунардиқ. Тушунганимиз тўғрйли белни маҳкам бойлаб, азобларни гарданиямизга олиб, шиддат билан йўлга тушдик. Беш-олти йил астойдил интилиб, анча жойга қиқиб ҳам бордик. Аммо кейин... Кейин гоҳ кетма-кет, гоҳ қаватма-қават келаётганлар кўча чангитганча ўзиб кетди. Биз бўлсак... Хомсут эмган банда эканмизда, сохта ифтихоринингми, қибринингми гирдобига тушиб қолдик. 25 йил қўйиб юбормай, чангалида маҳкам тутиб турди бу худбин гирдоб. Шаштимиз пасаиди, ишонч камайди, лоқайдлик, саросима, коррупция...

Тўрт йилдан буён бетўхтов “жанг” қилинаётганига қарамай, афсуски, бу иллатлар ҳозирча қургани йўқ. Хушомад, хусумат, алдов кабиларнинг бозори ҳалиям айрим манзилларда энг чаққон молга айланиб турибди.

Тўғри, қисқа вақтда ура-урачилик, ҳавойи мақтовлардан йироқ, инсон қалбини очадиган, самимий, кишининг ғамю таъшишларини яширмай айтадиган эркин муҳит буй кўрсата бошлади. Янгилашни жараёнлари — ислохотлар қўлами ва самарасини оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор авлод шаклланмоқда. Мана бу юмушни бажар десанг ҳам

оғриниб аранг қимирлайдиганлар ўрнида шарқона анъаналарни, Ватан манфаатларини, умуминсоний қадриятларни қадрлайдиган кўзи очик, тозақалб ёшлар улғаяётир, мамлакат тақдирини билан боғлиқ маҳобатли юмушларга дадил елка тутаятган мардлар сафи кенгайиб, кўпайиб бораётир.

Тўрт йилда шижоати аввалгиларга ўхшамайдиган, имон-эътиқоди юксак ёшларни тарбиялаш осон бўлган эмас, албатта. Уларни ўқитиш, ўргатиш, иш билан таъминлаш, қалбида Ватан туйғуси, миллий руҳ ва миллий ифтихорни шакллантириш...

Дарвоқе, миллий руҳ ҳақида. Илмий шаходатларга кўра, одамзоднинг судралиб ёҳуд учиб юрувчи жондорлардан афзаллиги унинг жисмида руҳнинг мавжудлигидадир. Шоирлар руҳи ғариб одамни илдизи чириган бутга, қозғ гулга, тош ҳайкалга қиёспайдилар. Мозий саҳифаларида эса миллий руҳи ва ифтихори, миллий мафқурага бойланиб, юракларни бирлаштирувчи қудратли тўфонга айланган, гуллаб-яшнаб кетган мамлакатлар тўғрисида мисоллар жуда кўп. Бу жабҳадаям ёвқур боболаримиз бизга шундай шоҳона салтанат қолдирганки, бу улуг меросга абадул-абад бутун дунёнинг ҳаваси келади. Президент ҳам миллатни оёққа қалқитишни айнан мана шу нуқталардан бошлагани бежиз эмас. Миллий ифтихорни аңглаш, асраш ва уни барча авлод қалбига синдириш ҳаракати тўғрйли мудраган ғурурлар уйғонмоқда, ташаббуслар қанот ёзмақда.

Бундай юксалишларни кўриб, ҳали айтганимдай, ҳасадланиб пичинг қиладиган “писмиқ дўст”ларга, албатта, пиёз тўғрамаганининг кўзи ачимайди, дейишдан ўзга чора йўқ. Пуфлаб-пуфлаб ёндирган билади олов ёқши азоби нималигини. Бугун зўр ифтихор ичра иқдор бўлиб турибмизки, мислсиз баҳодир ва кўрқмас саркарда Жалолиддин Мангуберди учқур самани билан кутурган дарёга сакраганда унга мадад берган куч миллат ва Ватан ифтихори эканини юракдан ҳис қилувчи ватанпарвар ёшлар кўкланда қирларни тўлдирган қизғандоқлар каби яшнаб қўзларни қувонтирмоқда. Улар ўлимини била туриб босқинчи Доро лашкарларини саҳрода сарсон-саргардон қилган афсонавий қахрамон Ширроққа, жаҳоннинг ярмини босиб олган Македонский армиясига шердай ҳамла қилган Спитаменга, мур-малах сингари беҳисоб мўғул аскарларига қарши қилиш кўтарган Маҳмуд Торобийига қандай қудрат илоҳий ҳиссорат адо қилганини ҳам чуқур аңғайдилар. Қонхур Оқпошонинг ёқасидан олган Намоз ботир ёҳуд Дукчи Эшон жасоратининг илдиэлари она Ватан томирларига тутташиб кетгани ғурур ва илҳом бағишлайди уларга. Ёки Маҳмуд Замахшарий бобомиз жисмоний ногиронлигига қарамай, Хоразм диёридан неча минг чакирим олисдаги Арабистонга бориб, араб тили грамматиқасини мукаммал тарзда ишлаб қиканда, Мирзо Улуғбек “осмон тоқига илк нарвон” қўйганда қаёқдан олган эди самовий тафаккурни? Уйғониш даврининг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий “Шарқ Арас-туси”, Мусо ал-Хоразмий Европа фанида “алгоритм” номлари билан абадий жой олишида-чи? Ёҳуд Темур Маликдек мардлари, Алишер Навоий, Заҳирриддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби етти иқлимга машхур улуғлари бўлган эл кейин-кейин қандай қилиб қаҳшашон юлдузларининг энг хирасига айланиб қолди? Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидан кейин Туронзамин нега парчаланди, таланди, топталди? Дунёга маърифат нурларини таратган иккита Ренессанснинг икковиям нега бардавом бўлмади?

Ҳозирги авлод, умуман, ўзбекистонликман деган ҳар бир инсон бугун Ватан тақдирига уйкаш юқоридиги каби саволларга безовталиқ билан жавоб излаётирларки, миллатнинг бундай қалқини неча юз йиллар давомида кузатилган эмас.

Ҳа, биз фикрлаш, тафаккур қилиш нуктаи назаридан ҳам эркинлик майдонига чиқдик. Ўзлигини аңглаган, миллий руҳи уйғонган халқнинг она Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини савкитабий туйғу сифатида товланмоқда.

Бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаб олганлар тез оқар ва тойринчоқ кечувдан бешикаст ўтадилар. Осмон бепоён — қаргадир, қузғундир, бургутдир — парвоз учун ҳаммага майдон етади.

Матлаб бир бўлмаса — ҳам бўлмағаймиз, Жам бўлсак — бошимиз ҳам бўлмағаймиз. Жам қўлсак инсофу диёнатни ҳам, Дунёда ҳеч кимдан ҳам бўлмағаймиз. Доғишманд Шарқнинг даҳо шоири Абдулла Ориповнинг бу даъватини қонимизга, жонимизга сингдирсак, жам бўлсак, иншооллоҳ, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

Энди бир зум қулоқларингизни беркитинг-да, қалбингизга қулоқ тутинг, эшитяпсизми, ичингиздан бир сас келаётир:

— Сарбаланд қоя ишғол қилиниб, ифтихор ифтихорларга уланиб кетадиган кунлар узоқ эмас! Фақат кўтарилиш азобларини матонат билан енгиб ўтсак бас!





ТИББИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ХОРИЖГА БОРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

энди мураккаб жарроҳлик амалиёти юртимизда ўтказиляпти



Бошланиши 1-бетда

Марказда айна пайтда кардиохирургия, нейрохирургия, ортопедия ва пластик хирургия, гемодиализ, умумий хирургия, онкология, офтальмология, ЛОР, педиатрия ва реанимация бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, марказ, магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни барвақт аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Тиббиёт муассасаси кунига 250 нафар беморни қабул қилиш, йилига 1500 дан кўпроқ мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш имкониятига эга. Қувонарлиси, даволаниш учун илгари хорижий давлатларга юбориладиган бемор болаларнинг 95 фоизи бугунги кунда шу ерда шифо топапти. Шифохонада Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги республика болалар тиббиёт муассасалари томонидан берилладиган йўлланма (ордер)ларга асосан келган беморлар учун кетадиган харажат тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

— Ўғлим Юсуфжон 5 ёшда. Бу ерга бош мия ўсмаси ташхиси би-



лан келдик, — дейди Фотиما Икромов. — Очиғи, бундан олдин жуда кўп жойга мурожаат қилдик. Ҳатто Россия Федерациясидаги шифокорлар билан боғланиб, уларнинг маслаҳати асосида Москва шахрига бормоқчи бўлдик. Пойтахтимизда Болалар миллий тиббиёт маркази фаолият бошлаганини, бу операцияни энди шу ерда ҳам амалга ошириш мумкин эканлигини эшитиб, йўлланма олдик. Худога шукр, операция муваффақиятли ўтди. Хавф ортда қолди. Болам бугун соғлом, бағримда, одатдаги ҳаёт тарзига қайтган. Йўлланма билан келганимиз сабабли текширувдан тортиб, операциягача бўлган барча жараён бепул амалга оширилди, бепул дори-дармон билан таъминландик. Бизга шундай имконият яратган, боламга қайта ҳаёт бағишлаган барча-барчадан миннатдорман.

Марказда ўта мураккаб операциялар деярли ҳар кун амалга оширилади. Одатда чақалоқлар бош сўягининг тепа қисми, халқ тилида айтганда “лиқилдоқ” билан туғилади ва у вақт ўтиб табиий жараён билан битиб кетади. Ана шу жойи битиб туғилган боланинг миёси эндоскопик усулда текширувдан ўтказилди. Бу ўта мураккаб операция саналади. Ўша суякларнинг битган жойларини очиб мақсадда жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди.

Шунингдек, ҳозирга қадар пешоб йўлларида туғма нуқсон билан туғилган 10 нафарга яқин болада жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Клиникада қўлланилаётган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар даволаш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Марказда болалар буйрағидаги тошни лазерда олиб ташлаш бўйича бажарилган амалиётлар ҳам эътиборга молик.

— Ўғлим Дониёр 7 ёшда. Буйрағидаги тош туфайли тенгдошлари қатори мактабга чиқа олмади, — дейди Феруза Абдуғаниева. — Оғрик кучайиб, болам жуда қийналди.

Шифокорлар бу ерда ана шу тошни янги технология воситасида операция қилмай, ҳеч қандай чандиқ ёки асорат қолдирмай олиб ташлашди. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар аъло даражада. Бунинг учун Президентимиздан, шифокорлардан миннатдорман.

Яна бир қувончли ҳолат. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳам бепул даволаниш имкониятига эга бўлди. Бу билан чет эл туғул, ҳатто, ўзимизда даволаниш учун имкон топа олмаган ота-оналар фарзандлари ана шу марказда саломатликларини тикляпти.

— Худудларимизда “Темир дафтар”га киритилган барча бемор болаларни уч гуруҳга бўлдик, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Анвар Алимов. — Ана шундай йўл билан вилоятнинг ўзида, республика



муассасаларида ва Болалар миллий тиббиёт марказида даволанишга муҳтож беморлар аниқланди ва уларнинг ҳаммаси даволаниш имкониятига эга бўлади.



Ҳақим йўлдошев олган суратлар.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ИЛМИЙ УНВОН ВА ДАРАЖАЛАР БЕРИШДАГИ МУСТАҚИЛЛИК

олимларнинг янги авлодига қанот бўлади

Хайриддинмурод АБУЛҲАЙЗОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм заҳматкашларининг нина билан қудуқ қазिशга қиёсланган машаққатли изланишларини қўллаб-қувватловчи яна бир ташаббусни илгари сурди. Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколатини ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига ўтказишни таклиф этди.

Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида бу таклиф жорий йилда бажарилиши зарур вазифалар қаторида алоҳида қайд этилди. Унга қара, илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилади.

Чунки таълим ва илм-фан соҳаларидаги сифат ўзгаришларига монанд олий таълимдан кейинги таълимни янада ривожлантириш ва жаҳоннинг илғор амалиётига мослаштириб бориш, бу соҳада таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ваколатини босқичма-босқич кенгайтириш зарурати мавжуд эди. Шу боис, бу ҳушхабарни илм аҳли, академик жамоатчилиқ катта мамнуният билан қутиб олди.

— Мамлакатимизда илм-фан, таълим соҳаларини халқаро стандартларга мослаш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида сезиларли янгиланишлар кузатиляпти. Жумладан, илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколатининг нуфузли олий таълим муассасалари илмий кенгашларига аста-секин ўтказилиши шундай саты-ҳаракатларнинг мантикий давомидир. Дунё, хусусан, ривожланган давлатлар таърибасида бу амалиёт мавжуд. Илм-фан ва техника тараққий этган Германия, Швейцария сингари мамлакатларда илмий сафарларда бўлган чоғимизда қўриб, гувоҳи бўлганмиз. Бу янгиланишнинг рўёбга чиқиши илм-фан фидойилари учун кўп қулайликлар яратади. Биринчидан, илмий ишни расмийлаштириш, ҳимояга тайёрлаш ва ҳимоя жараёни билан боғлиқ бюрократик тўсиқлар, нурун талаблар анча камаяди. Иккинчидан, вақт омилидан самарали фойдаланиш имкони пайдо бўлади. Учинчидан, академик мустақиллик олий таълим муассасалари илмий кенгашларининг профессионал фаолият юритиши учун катта таъриб мактаби вазирасини ўтайди, — дейди Тошкент давлат техника университети профессори, техника фанлари

доктори Мақсуд Бобожонов. — Бироқ бу имкониятни суиистеъмол қилмаслик билан боғлиқ масалалар ҳам борки, уларнинг икроси илмий кенгашлар зиммасидаги масъулият заворини оширади. Илмий кенгаш раиси ва аъзолари ўзларига талабчанлик руҳида фаолият кўрсатиши, илмий ишларнинг мазмунига ва савиясига алоҳида эътибор билан ёндашуви жуда муҳим. Ҳар битта кенгаш илмий ишни ёқлаш бўйича ўзининг низоми ва қатъий талабларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиши лозим. Айниқса, илмий кенгашда демократик таъомиллар устуворлигини таъминлаш, кенгаш аъзоларидан ҳар бирининг нуқтаи назарини ва фикрини инобатга олиш ҳамда ҳамжиҳат бўлиб, овоз бериш асосида қарор қабул қилиш масъулияти мавжуд. Акс ҳолда берилган имкониятдан нурун фойдаланиш илмий салоҳиятини кўтариш ўрнига омавий савиясизликка олиб келиши мумкин.

Сўнги йилларда мамлакатимизда олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий-методик фаолиятини кучайтиришга қаратилган кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Илм-фанни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган улкан вазифалар белгиланди. Соҳадаги педагоглар, илмий изланувчилар ва олимларни рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилди. Моддий рағбатлантириш механизмларининг кучайтирилиши ёшларни илмий-тадқиқотчилик фаолиятига қайтариб, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ошишига ва илмий даражаларни контингентнинг яшаришига пухта замин ҳозирлади.

Академик мустақиллик бериш жараёнида, аввало, синов тарикасида республиканинг рейтинг бўйича илк 10 та ўриндан бирини эгаллаган таълим муассасалари кенгашларига таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларига талабгорларни доцент, катта илмий ходим ҳамда профессор илмий унвонига тасдиқлаш юзасидан ҳукумат қарорларида назарда тутилган ҳуқуқни бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган, халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингини бўйича биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим муассасаларида олинган илмий даражалар ҳақидаги ҳужжатларни тўғридан-тўғри тан олиш режалаштирилмоқда.

Илм йўлини танлаш кишидан улкан жасорат ва ирода талаб этади. Чунки умрни фаннинг сир-асрорларини очиб, халқ, Ватан, умуман, инсоният учун манфаатли қирраларни кашф қилишга бағишлаш инсоннинг матонатидан, қатъиятидан дарак беради. Шу боис, бу заҳматли ва машаққатли йўлни танлаш бахти факат хос кишиларгагина насиб этади. Уларнинг кўп ийпиклиқ оғир ақлий меҳнати самарасини рўёбга чиқариш эса илмпарвар давлат ва жамиятнинг ўтмиш, бугун ва келажак олдидаги бурчидир.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА

янгича амалиётлар жорий этилади

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ҳужжат билан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашга қўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида Болаларни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш ва бу йўналишдаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 100 миллилард сўм маблағ ажратиш белгиланди. Бу жамғарманинг ташкил этилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир касалликка чалинган болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини кенгайтиради.

Бу борада давлат дастурининг 9-бандида белгиланган вазифалар ҳусусида алоҳида тўхталаш жоиз. Зеро, мазкур бандда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш соҳасида қўллаб қолдарб масалаларнинг ечимини кўрсатиб ўтилган. Хусусан, фармон билан илғор хорижий таъриб ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олиниб, 2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалиётларнинг жорий этилиши белгиланб қўйилди. Жумладан, муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини сертификат бериш тизимига ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан худди шундай воситаларни сотиб олиш имконияти яратиб берилади. Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, аномик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча

текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронлиқни мuddатсиз даврга белгилаш тартиби жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига эса уч ой мuddатда тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўриш топшириғи берилди. Бундан ташқари, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шартлар яратиш бўйича тартиб ўрнатиш белгиланб берилди. Унга кўра, 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажига тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажининг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланиши белгиланди. Бу билан жуда қўллаб қувватлардан пенсия тайинлашда аввал ишлаган ва фаолиятини тугатган ташкилотнинг ҳужжатларини архивлардан топишда дуч келаётган қийинчиликлар юзасидан бўлаётган мурожаатларга барҳам берилади.

Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилиниши, ишловчи фуқаро томонидан ишламайдиган турмуш ўртоғи келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши учун ўз даромадидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилиши ҳамда пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатда олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ва тўланишини фармон билан белгиланб қўйилганлиги ҳам аҳолига жуда

катта қулайликларни яратади. Бу айна пайтда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва сансоларликка барҳам беради.

Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Пенсия жамғармаси тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик картасини очиб жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштириши мумкин. Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилиниши белгиланб қўйилмоқда. Бундан фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришига чек қўйиш мақсади кўзланган.

Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилиши билан аҳолининг пенсия ва нафақага муҳтож қисми қўллаб-қувватланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастурида белгиланган бундай муҳим вазифалар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, турмуш шароитини яхшилаш ва халқимизни рози қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис, бу борада белгиланган тадбирларнинг ўз мuddатида ижро этилишига ҳисса қўйиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги устувор вазифадир.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЯНГИ МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИДА

2021 йил 1 июнга қадар:



Фуқаролар учун давлат маблағлари ҳисобидан сертификат асосида исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмларини сотиб олиш имконияти яратилади;

(аниқ турдаги буюмларнинг марказлаштирилган ҳолда етказилиши ногиронларнинг эҳтиёжларини инобатга олмасдан танлов ҳуқуқини келашга ва сифати паст буюмлар билан таъминлашга олиб келмоқда)



“Пенсия амнистия”си қўлланилиши доирасида:



Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига қарздорлиги ҳисобдан чиқарилади; (2020 йил 1 январь ҳолатига қарийб 4 минг пенсионернинг жами қарздорлиги 11.8 млрд сўмни ташкил этади)



2025 йилдан аввалги йиллар учун иш стажининг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

(мазкур даврга қадар меҳнат стажига оид маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган)



Бундан ташқари, фуқароларнинг ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун уларга ўз даромадларидан ихтиёрий ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади.



Анатомик нуқсонлари аниқ кўриниб турган шахсларни қўшимча клиник текширувлардан ўтказмасдан уларга ногиронлиқни мuddатсиз даврга белгилаш амалиёти йўлга қўйилади.

(амалдаги тартибга кўра, ногиронлиги бўлган шахс деб топиш учун фуқаро 2 йил кузатув остида бўлиши ва бунга қўшимча тарзда мuddатли клиник текширувлардан ўтиши шарт)



3 йилдан ортиқ давр учун тайинланган ёки қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича ортиқча тўловни ундириш амалиёти бекор қилинади. (ортиқча тўловларнинг аксарияти фуқаронинг айби бўлмаган ҳолда ва 2017 йилгача юзга келганлиги кекса ёшдаги фуқаролардан йирик миқдорда ортиқча тўловлар ундиришга ва уларнинг ҳақли эътирозларига олиб келимоқда)

“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг бутунлай янги bosқичига қадам қўйган мамлакатимизда улуснинг минг йиллик тажриба, тушунча ва қадриятларига таянган тенги йўқ меросимизни ўрганиш маънавий ва маърифатнинг ажралмас қисми сифатида устувор вазифага айланди. Янги Ўйғониш даври —

Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги тарихий кунларда ҳазрат Алишер Навоий мероси ва ёшларни чуқур ўрганиш ва ёшларга етказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси ҳам ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўишини асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб, у зотнинг асарларини илмий тадқиқ этиш, қўлёзма фондларида сақланаётган ёзма меросимизни ўрганиш анъаналарини давом эттириб келмоқда. Буюк мутафаккир бобомиз таваллуд кунини муносабати билан университет жамоаси яна бир йирик анжуманнинг ташаббускорини бўлди. “Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуманда дунёнинг 15 мамлакатидан 60 га яқин турли ташкилот ва олий ўқув юртиларидан 130 дан ортиқ навоийшунос олимлар ўз илмий чиқишлари билан қатнашди. Алломанинг адабий мероси қўллаб-мамакатак элчилари, олимлари, тадқиқотчилар, шарқшунослар, ўқитувчи ва талабалар томонидан атрофлича таҳлил этилди.



Меҳмет Сурайё ЭР,
Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:

— Туркий дунё деб атайдиганимиз ҳудудда кўнгилларни бирлаштирган энг муҳим унсур умумий лисонимиз — туркий тил. Бу улкан ҳудуднинг узок масофаларига қарамай бир-бирига боғланган энг мустақкам ришта ҳам албатта, муштарак тилимиздир. Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мени энг хурсанд қилган нарсаси, хизматим давомида ўз мамлакатимда, Анадулу диёрида бўлгандек ҳис қилишим бўлди, деб айта олам. Орамизда минглаб километрлик масофа борлигига қарамай, муштарак тилимиз ва тамаддунимиз тугайли айнаи мақолларни, маталларни ва ибораларни қўллашимиз, бир-биримизнинг миллий шеър ва ашулаларимизни тинглаб, айнаи завқни ва тўғрғини ҳис қилишимиз туркий оламнинг бутун жаҳон миқёсидаги энг катта бойлигидир. Шундай яқинлик тугайли ҳаётга айнаи дарчадан боқа оламиз, минглаб фарсаҳ олисда бўлсакда қалбларимиз битта орзу йўлида уриб туради. Шу доирада, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг етмиш бешинчи сессиясида ўз нутқини ўзбек тилида сўзлаганлари бутун турк дунёсига бахт ва ғурур бахш этганини ҳам билдиришни истаيمان.

Ўзбек тили Мовароуннахрнинг юрғида гуллаб-яшнаган туркий дунёнинг асосий бойликларида биридир. Бу қадимий заминда

пайдо бўлиб юксалган муштарак тамаддунимиз хазиналарини авлоддан-авлодга етказилишини таъминлаган ўзбек тили маданият, адабиёт, илму ирфон тили сифатида турк ва ислом оламида алоҳида ўринга эга. Шубҳасизки, бу тилни энг гўзал тарзда қўллаган, сўзларни наққошдек саралаб, беназир мисралар битган шоирларимизнинг бошида Алишер Навоий туради. Асарлари фақатгина Туркистонда эмас, Озарбайжонда ҳам, Анадулу-да ҳам катта завқ ва ҳайрат билан мутолаа қилинган Алишер Навоийни Усмоний шоирлари ўзларининг устози деб эъзозлаган, шеърларига ун бешинчи асрдан бери турли назиралар битган. “Навоий тили” деб аталган ўзбек тили бугун ҳам унда яратилган асарлари билан бутун жозибасини намоян этиб келмоқда.

Муштарак қадриятимиз — туркий тилнинг ифода қудратига, бойлигига ва гўзаллигига юз йиллар олдин эътиборимизни қаратган туркий тилнинг буюк устози Мир Алишер Навоий ҳазратларининг бугун ҳисларимизни акс эттирган, дилларимизни ёритган, йўлларимизга маёқ бўлган мана бу сўзларини эсламаслик мумкин эмас: “Туркий тил ҳақида фикр юритар эканман, ана тилимнинг теранлиқларини ўйласам кўларимга ўн санкиз минг оламдан ортиқ бир олам намоён бўлди” деган эдилар...

Туркий тилда, туркий шеърятда байроқ тортиб, бутун туркий мамлакатларини яқалам этганлигини таъкидлаган: “Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яқалам”. Туркий адабиётнинг кутб юлдузи бўлган ҳазратнинг 580 йиллигини бағла туркий халқларини нишонлаши у кишининг руҳларини яна бир марта шод этади.



— Ўзбекистон энг қадимги даврлардан бошлаб дунё тамаддунининг ўчоқларидан биридир. Бу за-



— Ҳазрат Навоий ҳақида сўз айтиш осон эмас, бунинг учун Навоийни англаш керак. Буюк олим ва мутафаккир, ўз даври маданий ҳаётининг давлат арбоби, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига хомий, мураббий ва устоз таваллудини кенг нишонлаш фарз ҳисобланади.

Хусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:

мин халқи ўзининг бой маданияти, илмий тафаккури, ёзма ёдгорликлари, ноёб қўлёзмалари, нодир меъморий обидалари билан умумжаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган.

Аёнки, тарихни шахслар яратди. Ана шундай тарих яратган шахслардан бири, шубҳасиз, ҳазрат Алишер Навоийдир. Унинг номи жаҳон бадий тафаккури тарихида олтин ҳарфларда ёзилиб келинади.

Аҳмад Холид ЭЛМИЙ, Афғонистон Ислам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:

Алишер Навоийнинг одаимийлик, эзгулик, поклик ва ҳалоллиқни, юртпарварлик ва тинчликни тараннум этган асарлари бугунги кунда жаҳон миқёсида адабиёт муҳлисларининг меҳри ва ардоғидадир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини у кишидек теран ифода этган шахс жаҳон адабиёти тарихида қамдан-қам топилади. Буюк шоир ўз асарларида инсоний муҳаббат, меҳру вафо ва назокатни ёниб, ҳассослик билан қўйлаган.

Навоийнинг гўзал сатрларини ўқиганда олижаноб қалб садопарини сезиб тураимиз. Бу юрак тўғёнлари

Озарбайжон ва Ўзбекистон халқларининг адабий алоқалари теран илдишларга бориб туташиди. Асрлар давомида бизнинг шоирларимиз умумий адабий ва маърифий муҳитдан озикланишган. Алишер Навоий Озарбайжон халқининг улуғ фарзанди Низомий Ганжавийнинг анъаналарини давом эттирган. Ўз ўрнида озар шоири Муҳаммад Ғузлулий ҳазрат Навоийни “шеърят подшоҳи” деб

билган ва ундан бадий сўз услубларини ўрганган.

Алломанинг умумбашарий ғоялари, айниқса, бағрикенглик, халқлар дўстлиги ҳақидаги қарашлари бугунги кун учун ҳам ниҳоятда муҳим. Унинг асарларида турклар ҳам, араблар ҳам, хитойликлар ҳам, славянлар ҳам, юнонлар ҳам биригяшди.

Озарбойжон халқи Навоийни ўз шоири, деб билади. Унинг асарларини севиб ўқийди ва ёш авлодга ҳам сингдириб боради. Унинг таваллуд кунларини кенг миқёсда нишонлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Афғонистонда ҳар йили газал мулки султонининг таваллуд айёмлари муносабати билан турли маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Афғонистон Ислам Республикаси Президентини Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олиларни буюк шоир, атоқли давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг 580 йиллигини Афғонистонда кенг нишонлаш тўғрисида фармон имзолади. Бу фармонга асосан, Афғонистонда бир қатор илмий-маърифий тадбирлар, жумладан, жорий йилнинг март ойида Ҳирот шаҳрида уч кунлик семинар ўтказиш, асарларини китоб шаклида нашр қилиш, навоийхонлик ва мушоира кечалари каби тадбирларни ташкил қилиш қўзда тутилган.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МАДАНИЯТПАРВАР ДАВЛАТ АРБОБИ, ХАЛҚПАРВАР БУНЁДКОР ВА ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР



Ҳамид НАЙРОБОДИЙ,
Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулдда ва мухтор элчиси

Амир Алишер Навоий ўз даврининг гуллаб-яшнаган муҳитидан таъсир олиб, ўзи ҳам маданият ва адабиёт тараққиётига бекиёс ҳисса қўшди. У, бир томондан, етук шоир, олим, ёзувчи, тилшунос, мусикашунос ва ориф, бошқа томондан эса давлат арбоби сифатида намоён бўлиб, энг катта эътиборини маданият ва

адабиёт аҳлига, ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ турмуш даражасини яхшилашга қаратди.

Навоий шеърятда диний ва ирфоний манбалар ҳамда Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий, Фаридулдин Аттот Нишопурий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳожа Насир Тусий, Салмон Саважий, Қамол Хўҷандий, Умар Хайём Нишопурий, Ҳаким Санойи, Ҳоконий Ширванӣ ва Фирдавсий Тусий каби сўз санъатининг беназир усталари асарларини илҳомланган.

Шеърчи осмонидан чарақлаган буюк шоир ўзининг дунёқароши ва маънавий-маърифий мулоҳазаларини икки тилда — “Навоий” ва “Фоний” тахаллуси билан ўзбек тилида ва “Фоний” тахаллуси билан форс тилида баён этиб, ўша давр адабиётида юксак ўринга эга бўлди. Шу нуктаи назардан, Навоий сиймоси Ўзбекистонни Шарқ мамлакатлари, Марказий Осиё ва бутун жаҳон давлатлари билан боғлаб турувчи маданий-маърифий халқлардан бири сифатида минтақа халқларининг тотувлиги, бирдамлиги ва дўстлиги рамзи деб билиш мумкин. Навоийдан кейин икки тил — ўзбек ва форс тилларида шеър ёзиш адабий анъанага, Мовароуннахр ўлкаси эса форс ва ўзбек тилларида бадий асарлар яратиладиган маконга айланди.

Навоий асарларининг қўлчилиги ўша даврининг сўз усталаридан илҳом олган ҳолда яратилган. Жумладан, унинг “Ҳамса” асари Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий “Ҳамса”лари услубида яратилган бўлиб, “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъдий сайёр” ва “Саъди Искандарий” дostonларини ўз ичига олса, “Лисон ул-тайр” дostonида Фаридулдин Аттотнинг ирфоний мазмундаги “Мантик ул-тайр” дostonига назира қилинган. “Мажолис ун-нафоис”да Навоийга замондош бўлган уч юз эплик нафэр шоир ва бошқа улғур шахсининг таржимаи холи келтирилган бўлиб, бу асар форс тилига ҳам таржима қилинган.

Навоийнинг ўз дусту ва пири Абдурахмон Жомийнинг вафотига бағишлаб ёзган марсия ёки ғамномаси унинг энг машҳур шеърларидан ҳисобланади.

Навоий, шунингдек, қўллаб диний ва ирфоний асарлар муаллифи ҳам. Унинг пайғамбарлар тарихига бағишланган “Тарихи анбиъ ва ҳукамо” ва сўфийлар таржимаи холи баён этилган “Насойим ул-муҳаббат...” каби насрий, Ҳазрат Расул(с. а. в.) дан нақл қилинган қирқ ҳадиснинг шеърӣ таржимасидан иборат “Арбаъин”, фикҳга оид “Сирож ул-муслимин”, Ҳазрат Али ҳикматлари асосида юзага келган “Назм ул-жавоҳир”, ирфоний қарашлар акс этган “Лисон ул-тайр” ҳамда

муаллифнинг “Муножот” каби асарлари — шулар жумласига кирази.

Ёзувчилар, шоирлар ва тадқиқотчиларнинг Навоий асарларига бўлган қизиқиши, шунингдек, унинг қаламига мансуб асарларда қўлланган сўзлар ва атамаларни тушунишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни енгиш мақсадида бир неча тилли лугатлар яратилишига олиб келди. Эронда қожорлар сулоласи ҳукмронлиги даври(1795–1925 йиллар) да Навоий асарларига шарҳ ёзиш кенг тарқалди. Бу даврда унинг шеърларини ўқиб, тушунишни осонлаштириш мақсадида Мирзо Маҳдихон Астрободий(1760 йили вафот этган)нинг “Санглох” лугати тузилди.

“Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди” китоби доктор Суробон Шукуфта хонимнинг Теҳрон университетида форс тили ва адабиёти йўналишида химоя қилган диссертация тадқиқоти ҳосиласи бўлиб, Теҳроннинг “Ал-Худо” нашриёти томонидан китоб сифатида нашр этилган. Шунингдек, Теҳронда Навоийнинг замондоши Ғиёсиддин бин Хумоиддин Хондамирнинг Навоий ҳаётига бағишланган “Мақорим ул-ахлоқ” асари ҳам нашр қилинган. Бундан ташқари, Фирдавсий номидиги Маҳшад университети ҳам 2015 йили Навоийга бағишланган халқаро конференция ўтказди. Унда Эрон, Ўзе-

тинглашга, илм-маърифатни рағбатлантиришга даъват қилди. Шунингдек, у ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорларнинг вазифаларини суиистеъмол қилишларини ва таъмагирликларини фoш этди, ожиз ва муқтож кишиларни ўз ҳимоясига олди.

Навоийнинг “Вақфия” асаридан унинг ўзи ҳам мунтазам илм аҳлини қўллаб-қувватлаб келгани, талабаларга ва муҳаррирларга маош тайин қилгани, “Ихлосия” мадрасаси ва сўфийлар учун “Халосия” каби хонақоҳлар қурдиргани маълум. Мутафаккир шоир ижоди, хайрли ишлари ҳақида бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Асарларини билиш, улардан ибрат олиш кишиларни, ёшларимизни яхшиликка ундайди, комилликка етаклайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, улуғ мутафаккиримизнинг сўнмас хотираси ва ижодини абадилаштириш, унинг тимсолида туркий дунёнинг илм-фан ва маърифат руҳини жаҳон ҳамжамятига танитиш мақсадида, ҳозирда Туркий Кенгаш доирасида “Туркий цивилизация ва маънавиятини ривожлантириш учун” Алишер Навоий номидиги халқаро мукофотни таъсис этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, Туркий кенгаш ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида, жумладан, ТУРКСОЙ, Туркий маданият ва мерос жағмармаси, Туркий академия ҳамда туркий дунё олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда Алишер Навоий маданий ҳафталигини аъзо давлатларда ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шубҳасиз, Навоийнинг ўз давридаги илм-фан, маданият, санъат, қурилиш ободончилиги ва хайрия ишлари ривожига ҳамда халқнинг оғирини енгли қилиш йўлида амалга оширган ишлари ўта кенг ва сон-саноксиз бўлиб, буларнинг барчасини бу қисқа қораламда баён этишнинг имкони йўқ. Шунга қўра, Навоий ўз шеърларида қуйлаганидек, сўзни қисқароқ қилмоқ керак:

*Сўз майидин олама дарёй жарф,
Илгери заварқ киби жами ишгарф.*

Шубҳасиз, Навоийнинг ўз давридаги илм-фан, маданият, санъат, қурилиш ободончилиги ва хайрия ишлари ривожига ҳамда халқнинг оғирини енгли қилиш йўлидаги ҳиссаси — барчага маълум. Шу жиҳатдан у маданият, сиёсат, адабиёт ва ирфон аҳли учун муносиб ўрнатқ бўла олади.

*Шоир ўзи таъкидлаганидек:
Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак.*

Шоир ҳақ гапни айтган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА “ХАМСА” — АДАБИЙ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Эркин МУСУРМАНОВ, филология фанлари доктори, СамДУ Буюк Ипак йўли халқлари маданий-адабий алоқалари илмий-тадқиқот маркази директори

Алишер Навоийни оламга танитган “Хамса” асарини ҳам рамзий маънода Буюк ипак йўли, дейиш мумкин. Агар Ипак йўли Хитойдан Европагача бўлган халқлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантирган бўлса, “Хамса” Чиндан Рум диёрига қадар дини, миллати, ирқидан қатъи назар, турли халқларнинг адабий қаҳрамон ва эпик сюжетлари намуналарини ўзида намоён қилган адабий Буюк ипак йўли вазифасини бажариб берган. Асардаги Фарҳод, Моний, Дилором, Лувбатти Чин каби қаҳрамонлар ватани Хитойдан бошланиб, Марказий Осиёга йўналар экан, Шахрисабздаги ғаройиб обидалар, сосонийлар подшоҳи Баҳром, Ҳинд мамлакати султони Жуна ва шаҳзода Фаррух, Кавказорти гўзали Ширин, араб диёри ошиқ-маъшуқлари Лайли ва Мажнун, румлик заргар Зайд Заҳҳоб, подшоҳ Искандар Зулқарнайн каби образлар ва юртлар кўринишларида давом этган.

“Хамса”нинг адабий Буюк ипак йўли сифатидаги вазифаси бу билан тугамайди. Агар ундаги образлар Чиндан Оврупогача бўлган халқларнинг бадий қаҳрамонларини тизимли тарзда акс эттирса, шу халқлар яшаган ҳудудлардаги қадимги диний-мифологик қарашлар асар моҳиятида муҳим ўрин тутди. Навоий “Хамса”си фақатгина ислом дини ёки тасаввуф таълимоти ғоялари асосида майдонга келган, дейиш бир ёқлама бўлур эди. Асарнинг турли халқлар томонидан эътироф этилиши, бадий бақувват ва композицион пишк киши учун турли фалсафа, тушунчалар ва образлар тизимли тартибда сингдирилган.

Навоий мавзуси ўзбек-хитой адабий алоқалари тадқиқот йўналишида муҳим ўрин тутди. Улуғ адибнинг эпик ва лирик асарларида энг кўп мурожаат қилинган мамлакат Хитойдир. Навоийшунослик учун муҳим бўлган бу жиҳат махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади. XX асрнинг бошларида Хитойнинг терскай ва кунботар ерларида икки марта бўлиб қайтган тадқиқотчи С.Е.Маловнинг келтиришича, “Навоий ўзининг ажойиб роман-дostonлари билан туркий тил ва адабиётининг гарбдан шиддатли тарзда ривожланишига имкон яратди... Ҳозирги вақтда ҳам Хитой Туркистонда, ҳатто Лобнор каби чекка бурчларида Навоий шеърлари ўқилмоқда, қуйланмоқда, талқин қилинмоқда. Дostonларнинг сюжетлари алоҳида эртақ, ҳикоятлар ва бошқа шаклда ижро қилинмоқда. Буларни бевосита ўзим эшитганман. Бу ҳақда Марказий Осиё бўйлаб чиққан саёхатчилар ҳам бизга хабар бермоқда. Бир сўз билан айтганда, Навоий таъсири Буюк Хитой деворига қадар етиб борди”.

Куйида шу юртнинг Навоий асарлари асосида эпик ва лирик асарлар ёзган айрим ижодкорлари ҳақида мухтасар тўхталиб ўтамиз:

Мулла Позил. Адабий тахаллуси — Кичик. 1653 йилда туғилган. Шоирнинг Навоий асари таъсирида 1705 йили ёзиб тугатилган “Лайли ва Мажнун” дostonи бизгача етиб келган. Асарнинг Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonидан асосий фарқи тилининг соддалиги, эл оғзаки ижодидаги тушунчаларнинг акс этишида кўринади. Кўлёмза 254 саҳифадан, 5592 мисрадан таркиб топган.

Навбатий Хўтаний (1691 — 1760 йй.). Унинг асарлари Қашқар мадрасаларида Абдурахмон Жомий, Навоий асарлари билан бир қаторда ўқитилган. Навбатий шеърлари тўплами 1954 йилда Кучар шаҳрида топилган. Мажмуага таҳминан 1740 йилда тартиб берилган. Кўлёмза 107 ғазал ва 31 рубоийни ўз ичига олади. Китобга Хувайдонинг 69 та шеъри ҳам киритилган.

Ижодининг бош мезони сифатида рамал вазини танлаган Навбатий Хўтаний, асосан, Навоий асарлари таъсирида шеърлар ёзди. Жумладан, шоир Навоийнинг:

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,

Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс, — байти билан бошланадиган ғазалига назир тарзида куйидаги мисралар билан давом этадиган шеърни яратган:

Оқил эрсанг, эй биродар, қилма нодон бирла баҳс



Хотирингни жамъ айлаб,

қилма нодон бирла баҳс.

Жаҳд айлаб аҳли доно бирла

бўлғил ҳамнишин,

Аҳли нодондин йироқ бўл,

қилма нодон бирла баҳс.

Навоий ғазаллари орасида “манга” рафидли кўплаб ғазаллар учрайди. Навбатий устоз салаф изидан бориб, шу рафидда ҳам шеър битган. Ушбу шеърдан ҳам бир тўртлик келтиришни жоиз топдик:

Бу менинг шум толеймдан ёр

боқмайдур менга,

Ой юзини ёшуриб, дилдор боқмайдур менга.

Кўз учи бирла қоқиб,

бағрим жароҳат айлади,

Лабларининг малҳами

зинҳор боқмайдур менга.

Шунингдек, Навбатий муаллифлигида Навоийнинг “Тул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму?”, “Соқиб, мен ютмагон хуноби ҳижрон

қолдиму?” мисралари билан бошланадиган ғазалларига жавоб тарзида:

Эй сабо, бергил хабар, ул шахсуворим келдиму?

Лутф этиб, ҳолим сўрагга ҳамдиёрим келдиму? — байти билан бошланувчи ашъори битилган.

XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Арший тахаллуси билан девон тартиб берган Хўжа Ёқуб Хўжа Жаҳон исми ҳукмдор-шоир бўлган. У таҳминан 1724-1730 йиллар ораллигида Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида ўқиган. Арший тахаллуси билан туркий, форс ва араб тилларида шеърлар битгани маълум. Арший ҳар пайшанба кўни Олтин мадрасасида талабаларга дарс берган. Улар орасида Қўқон хонлигидан бўлган талабалар ҳам таҳсил олган.

Хўжа Ёқуб Хўжа Жаҳон бу каби маърифат-парварлик ишларида ҳам, бадий адабиётда ҳам Навоийни ўзига устоз деб билган.

Нетай жаннатда бўлса юз туман ҳур,

Жаҳон боғида бир ҳурлиқ бас.

Чек эмди Арший турлук навои,

Навоий саватида наво чексанг бас.

Арший шеърда ҳазрат Навоий руҳидан мадад тилайди.

Бенаво Арший тилар руҳи Навоийдин футуҳ, Мурғзори назм аро мурғи хуш алхонин кўриб. Шоир гоҳида Навоийдек устоз руҳи олдида ўзини ожиз сезади, гоҳида фахрланади:


Навоий гарчи наво топмайин ўллуб сиздин,

Қўллангки эмди сиз, Арший навога боқинг.

Яна бир иқтидорли шоир **Абдурахим Низорий Қашқарий** (1776-1849) ҳатто дўстлари билан бира Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий ва сеvimли адаби Навоий асарларининг кўлёмза нусхаларини кўчириб тарқатган. Шоирнинг Навоий дostonларига меҳри бўлакча бўлган. Абдурахим Низорий Навоийнинг ғазалларига қирқдан ортқ мухаммас боғлади. Куйида Навоийнинг:

Сабукрух соқий, фано жоми тутқил Ки, ўзлук юкидин гаронборларбиз,
байтига боғлаган таҳмисни келтириб ўтамиз:
Аё, чархи золим, жафони унутғил,
Замона вафо қилки, бизни овуғғил,
Ҳалойиқ илшиди кўнаулни совуғғил,
Сабукрух соқий, фано жоми тутқил Ки, ўзлук юкидин гаронборларбиз.

1835 йили Қашқар ҳукмдори Зухриддинбек шоир Низорийни саройга мирзо-котиб сифатида



тақлиф қилди. Зухриддинбек Навоий “Хамса”-сининг катта муҳлиси эди. Унинг буюртмасига кўра, Низорий иқтидорли дўстлари **Наурузохун Зийёи ва Турдушоҳун Ғарийб** билан биргаликда “Хамса”га ўзига хос жавоб тарзида 1841-1844 йиллар орасида “Ғарийблар ҳикояти” номли жами ўн саккиз минг байтдан иборат асар яратдилар. Ўзига хос ушбу “Хамса” “Муҳаббат дostonлари” номини олди.

Бу асарнинг бошқа “Хамса”лардан фарқи шундаки, у мавжуд анъанага кўра, ўз таркибига беш эмас, балки кўпроқ дostonларни қамраб олган: “Зайд ун нажот”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Шоҳ Баҳром ва Дилором”, “Маҳзун ва Гулнисо”, “Тўрт дарвиш”, “Маҳзун ва Гулнос”, “Масъуд ва Дилоро”, “Робия ва Саадин”, “Китоби Ғарийб” ва тўрт ҳикоят: “Ҳаким Зухриддин ҳақидаги ҳикоят”, “Султон Мааб адолати ҳикояти”, “Асмъа ҳақидаги ҳикоят” ва “Шайх Саъдий Шерозий ҳақидаги ҳикоят”. Улардан “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Шоҳ Баҳром ва Дилором” Навоий асарлари сюжетлари асосида ёзилган.

“Ғарийблар ҳикояти”нинг бир нусхаси Хитойнинг Урумчи шаҳридаги тарихий ёдгорликлар музейида сақланса, яна бири РФ ФА Шарқшунослик институти Ленинград кўлёмалар бўлиmidан жой олган. “Ғарийблар ҳикояти”даги дostonларга Абдурахим Низорий қаламига мансуб “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Маҳзун ва Гулнисо”, “Робия ва Саадин”, “Бону”, Наурузохун Зийёи билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Тўрт дарвеш” асарлари кирди.

Низорийнинг келтирилган дostonларида халқ оғзаки ижодидан кўра, ўтмиш салафлари — Абдурахмон Жомий, Навоий асарларига суянганини сезиш мумкин. Шоир эпик қаҳрамонлари фольклор персонажлари сингари ўзаро висолга етмайдилар, бахтли ҳаёт қурмайдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, Шимоли-Ғарбий Хитой ҳудудида адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкор Саодий тахаллуси билан шеърлар ёзган **Амир Хусайн Собирий**-дир.

Амир Хусайн Собирий ижодида ахлоқий-дидактик мазмундаги 20 бобдан иборат бўлган “Мақолот” асари муҳим ўрин тутди. “Мақолот” асари Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр” асарларининг насрий баёни кўринишида майдонга келган. Бундан ташқари, шоирнинг 1840 йилда ёзилган, Навоийнинг “Садди Искандарий” асари таҳлилига бағишланган рисоласи мавжуд.

Навоийнинг яна бир муҳлиси, дostonнавис шоир **Муҳаммад Сиддик Еркендийдир**. У 1813 йили Еркенд ҳукмдори Мирзо Муҳаммад Ҳакимбекнинг тақлифига кўра, Навоий “Хамса”сини насрий тарзда қайта ишлаб чиқди ва уни “Насри Мирза Муҳаммад Ҳакимбек” деб атади. Муаллиф Навоий “Хамса”сига қирган тўрт дostonни қолдириб, “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўрнига “Лисон ут-тайр” фалсафий дostonини киритди.

Навоий ижодидан илҳомланиб яратилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларининг ўзи ҳам чинлиқ адибларнинг улуг ўзбек шоирига бўлган ҳурматини кўрсатиб турибди.

Алишер Навоий “Хамса”сининг турли халқлар ўртасидаги адабий Буюк ипак йўли бўлгани, барча инсонларни дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар, улуг инсоний ғоялар атрофида бирлашишга хизмат қилади

БАРЧАДИН ЯХШИРОҚ ҲАЁТ ГУЛИ



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бошланғичи 1-бетда

Боғ аро қадам кўяр экансиз, адиб ва ёзувчиларнинг сиймолари мутафаккир ҳайкали қаршиси-га ошкяётгандек туюлади. Гўёки нафис мажлислар адабий давом этиши учун бу жуда яхши имконият бўлди. Буюк устоз қаршисига абадий мушоира истагида тўпланган адиблар сиймолари ёнига шу кўни ҳар доимидан ҳам кўпроқ адабиёт ихлосмандлари тўпланди, десак адашмаган бўламиз.

Майдонда ўрнатилган мониторда Алишер Навоий ижоди ва ҳаётидан сўзлагувчи видеороликлар, ғазал ва ҳикматли сўзлардан намуналар на-мойиш этилди. Шоир мисралари билан айтиладиган мумтоз ашулалар ва мақом куйлари қалбимизга асрлар қаъридан кўтарилиб келаётган кўёш шуъалари каби кўюлди гўё.

Мутафаккир ижодига оид китоблар кўргазмасига онаси билан келган қизалоқ китоб муқовасидаги мисраларни ҳижжалаб ўқий бошла-

ди: “Хуш ду-рур бо-ғу кои-нот гу-ли, Бар-ча-дин ях-ши-роқ ҳа-ёт гу-ли”. Ҳа, барчадин яхшироқ ҳаёт гули. Биз синовларга тўла ўтган 2020 йилда айни мисралар қатига яширинган маънони янада чуқурроқ англадик.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб, мамлакатимизда сўз мулки султонининг бой меросини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Айниқса, Навоий номидаги ижод мактаби очилиши, мутафаккир номидаги орден, халқаро жамоат фонди таъсис этилиши, келгуси йилдан бошлаб мактабларда шоир ижоди муайян концепция асосида узлуксиз ўқитилиши йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистон Ислom Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Аҳмад Холид Элмий эса қўшни давлатда мутафаккир ижодини ўрганиш ва ўзбек тилини ривожлантириш бўйича ба-жарилаётган ишлар ҳақида батафсил сўз юритди.

Навоийшунос олим Шухрат Сирожиддинов Президенти-мизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржмон Хуррам Раҳимов эса шоир ғазалларининг чет тиллар, хусусан, немис тилига таржималари ҳақида тўхталиб, шоир ғазалларидан бирини немис тилида ўқиб берди. Тантана сўнггида Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Сўнг тадбир ёзувчи ва шоирлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирокидаги мушоираларга уланди.

Тантананида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Хайриддин Султонов, Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бехзод Мусаев иштирок этди.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 394.

11950 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Өсрөт усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Мафтуна Минғобоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:45 Топширилди — 23:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ёълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru